

**№ СРIO-2218 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Тошкент ш.

2022 йил “06” 01

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30“ декабрдаги № 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги номидан Кодор (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Оператор 1.3. Булханов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйдагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

### **1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

### **2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### **3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастрлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача 180 000,00 (Бир юз саксон минг 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан 60 000,00 (Олтмиш минг сўм 00 тийин) миқдорида ойлик абонент тўлови.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сума Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичидан ушбу Шартномада қўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан қўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар қўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида қўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар қўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилимайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори қўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда қўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календар ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чикилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равища ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равища хабардор килинади.

#### 7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2021 йил 31 марта кадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2021 йил 31 марта**нча қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилинганини жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (үн)** календар кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

### ОПЕРАТОР:

АК “Ўзбектелеком”

«Сотув ва хизмат кўреатиш маркази»  
Филиали

Манзил: Тошкент, шаҳар. А. Темур кўчаси 97 А.  
Тел: (99) 836-7600  
Электрон почта: b2b@uztelecom.uz  
Банк маълумотлари:  
хисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088  
АТБ Алоқабанк  
МФО: 00401  
ИНН: 203366731  
ОКЕД: 61100  
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди  
ҚҚС 326 030 013 817

### АБОНЕНТ:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши  
курашиш агентлиги

Манзил: Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 8 А.  
Тел: (99) 010-1230  
Электрон почта: info@anticorruption.uz  
Банк маълумотлари:  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш.;  
МФО: 00014  
ИНН: 207325644  
ОКПО: 30023547  
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди  
ҚҚС

ИМЗО: 100010860262877039940331001

Директор ўринбосари:




Хон А.Е.

Абонент номидан:



ИМЗО/

Техник кўллаб-кувватлаш: 1155  
Ижрочи: Ахунова К.А.  
Тел.: (+998 99) 836-7589  
k.akhunova@uztelecom.uz



Боғе Енгизатер  
Р. Рахманов

## Хизматлар

## 1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	IPTV-10 тариф режаси бўйича маълумотлар тармолига кириш учун абонент тўлови	12 000,00	Нархнома	5	60 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				60 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори 60 000,00 (Олтмиш минг сўм 00 тийин), шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган ҳолда) 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача 180 000,00 (Бир юз саксон минг 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан 60 000,00 (Олтмиш минг сўм 00 тийин) микдорида ойлик абонент тўлови.

Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

Халқаро алоқа хизмати учун тўлов ҳақиқатдан кейин қўнғирок йўналиши ва ишлатилган дақиқаларга мувофиқ амалга оширилади (нархлар рўйхати №125-1/1). Шартнома микдоридан ошибб кетган тақдирда, ортиқча микдори ҳар ойда тўланади.

"Ўзбектелеком" АҚ номидан:

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари



Хон А.Е.

Абонент номидан:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга  
карши курашиш агентлиги

Абонент номидан: Director



А.Э.Бурканов

## Далолатнома

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишни синовдан ўтказиш  
телеқоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди  
" " 2022 йилдаги № CPIO-2218

№	Хизматлар рўйхати	Сана	Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси
1.	IPTV-10 тариф режаси бўйича маълумотлар тармоғига кириш Уланиш нуқталари сони-5	« » 2022 йил.	Бажарилди

"Ўзбектелеком" АК номидан:  
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали


Директор ўринбосари



Хон А.Е.

Абонент номидан:  
Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

Абонент номидан: *Директор*



М.Ў.

*J. J. Бурназов*

**Виза қўйиш варажаси**

“Ўзбектелеком” АК “СваҲКМ” филиали ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги №CPIO-2218 сонли Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида абонент шартномаси

Ф.И.О ва лавозими	Шарх ва таклифлар (санга имзо)
Хизматлар бошлиги КМХКХ Ш. Рахмадова	
Ижрочи К. Ахунова	
Бош юристконсультант А. Джуманиязов	